

8-1-2018

THE IMPORTANCE OF FINANCIAL SAFETY OF THE COUNTRY AND SOME IMPORTANT ISSUES OF MAINTANING THEM

A. Burkhanov

Tashkent State Economic University

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Burkhanov, A. (2018) "THE IMPORTANCE OF FINANCIAL SAFETY OF THE COUNTRY AND SOME IMPORTANT ISSUES OF MAINTANING THEM," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 4 , Article 2.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/2>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Бурханов А.У. – ТДИУ,
профессор, и.ф.д.

МАМЛАКАТ МОЛИЯВИЙ ХАВФСИЗЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ ВА УНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Мақолада молиявий хавфсизликни моҳияти тадқиқ қилинган. Мамлакат молиявий хавфсизлиги индикаторлари асосида миллий иқтисодиёт молиявий хавфсизлигини таъминланганлик ҳолати таҳлил қилинган, молиявий хавфсизликни таъминлашга салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: молиявий хавфсизлик, молиявий муносабатлар, молиявий рисклар, бюджет дефицити, давлат қарзи.

В статье исследовано сущность финансовой безопасности. На основе индикаторов финансовой безопасности страны проанализирована финансовая безопасность национальной экономики и разработаны предложения по устранению факторов, которые отрицательно влияют на финансовую безопасность.

Ключевые слова: финансовая безопасность, финансовые отношения, финансовые риски, дефицит бюджета, государственный долг.

The article deals with the scientific and theoretical aspects of ensuring financial safety. Based on the financial safety indicators of the country, the financial safety of the national economy has been analyzed and proposals have been developed to eliminate factors that negatively affect financial safety.

Key words: financial safety, financial relations, financial risks, budget deficit, public debt.

Кириш

Молиявий хавфсизликни таъминлаш ҳар қандай давлатнинг муҳим вазифаси бўлиб ҳисобланади. Чунки, мамлакатнинг мустақиллиги ва халқаро миқёсдаги ўрни унинг иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқдир. Иқтисодий муносабатларнинг ривожланиш даражаси эса, молиявий хавфсизликни таъминлаш даражаси билан узвий боғлиқ ҳисобланади.

Мамлакат молиявий хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг замонавий ривожланиш босқичида иқтисодий ривожланишнинг зарурий омилларидан биридир.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида [1] макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш мамлакат иқтисодиётини ўрта муддатли даврда барқарор ривожлантиришнинг зарурий шarti эканлиги белгилаб қўйилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатга хорижий инвестицияларни кенг қўламда жалб этиш, экспортни рағбатлантириш, миллий валюта ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал секторини модернизациялаш ва диверсификация қилиш вазифалари қўйилган. Бу эса,

мамлакатнинг молиявий хавфсизлигини таъминлашни долзарб масалалардан бирига айлантиради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Молиявий хавфсизликни таъминлаш масаласи бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамасдан, иқтисодчи олимларнинг молиявий хавфсизликнинг моҳияти хусусидаги илмий-назарий қарашларида зиддиятли, мунозарали ҳолатлар мавжуд.

Ўзбекистонда молиявий хавфсизликни таъминлаш масаласи мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган. Шу сабабли, хорижлик иқтисодчи олимларнинг ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотларига таянган ҳолда, миллий иқтисодиётимизнинг молиявий хавфсизлигини таъминлаш масаласини таҳлил қиламиз.

Авваламбор, «молиявий хавфсизлик» ва «мамлакат молиявий хавфсизлиги» тушунчаларининг мазмунини очиб беришга ҳаракат қиламиз. Иқтисодий луғатда, «молиявий хавфсизлик» тушунчаси мамлакат, ҳудуд молия тизимларининг, молиявий инқироз, дефолт, молиявий оқимлар ҳаракатининг бузилиши, иқтисодий фаолиятнинг асосий иштирокчиларини молиявий ресурслар билан таъминлашдаги узилишлар, пул муомаласи барқарорлигини бузилишининг юзага келишини олдини олиш имконини берадиган барқарор, ишончли фаолият юритиши учун шарт-шароитларни яратиш сифатида талқин этилган [6].

Бир қатор иқтисодчи олимлар, мамлакат молиявий хавфсизлигини – давлат ўзининг миллий манфаатига мос молиявий-иқтисодий сиёсатини олиб боришга қаратилган мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг муҳим элементи сифатида қарашади. Хусусан, В.В. Бурцев мамлакат молиявий хавфсизлигини иқтисодиётнинг шундай ҳолати сифатида талқин этадики, бундай ҳолатда давлатнинг ижобий молиявий оқимларини давлатнинг вазифалари ва функцияларини бажариш учун зарур бўлган ҳажмда шаклланиши таъминланади [7].

Молиявий хавфсизликнинг методологик жиҳатлари иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти совриндорларининг илмий изланишларида ўз аксини топган. Масалан, Ж. Стиглиц (Joseph Stiglitz) мамлакат молиявий хавфсизлигини давлат томонидан қатъий тартибга солиш тизими доирасида қараб чиқишни, яъни махсус институционал муҳитни – Молиявий маҳсулотлар хавфсизлиги бўйича Комиссия ва Молиявий бозорларнинг барқарорлиги бўйича маъмурий органни ташкил этиш орқали ташкил қилишни таклиф қилади. Биринчи орган молия бозори рискли секторининг таъсирини нейтраллаштириш функциясига эга бўлса, иккинчиси эса, молиявий инновациялардан кутилаётган ноаниқликларни камайтиришни кўзда тутади [2].

Иқтисодиёт бўйича бошқа Нобель мукофоти совриндори Ж. Тироль (Jean Tirole) мамлакат молиявий хавфсизлигини таъминлашда, миллий ва жаҳон бозорларида жорий молия архитектурасининг муаммоси сифатида молия институтларининг ликвидлилиги ва депозитларини суғурта қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга асосий эътиборни қаратади [3].

Фикримизча, Ж.Стиглицнинг молиявий инновацияларнинг ноаниқлик даражасини таъминлаш хусусидаги хулосаси Ўзбекистон учун амалий аҳамият касб этади. Чунки, республикамиз иқтисодиёти инновацион ривожланиш йўлига ўтиш арафасида инновацион ишланмалар, шу жумладан, молиявий инновацияларни жорий этиш жараёнидаги ноаниқликларни кучайишига олиб келади. Шу сабабли, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожлантириш вазирлиги зиммасига молиявий инновацияларни жорий этишдаги ноаниқликларни камайтириш вазифаси юкланиши лозим.

Ж.Тиролнинг депозитларни суғурта қилиш хусусидаги хулосаси ҳам республикамиз иқтисодиёти учун амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, мамлакатимизда ҳозирга қадар юридик шахсларнинг депозитларини давлат томонидан суғурта қилиш тизими жорий этилмаган. Бу эса, юридик шахсларнинг депозитлари билан боғлиқ бўлган молиявий хавфсизликнинг кучайишига хизмат қилади.

Шундай қилиб, иқтисодий тизимнинг молиявий хавфсизлик тузилмаси фаолият кўрсатиши ва ривожланишининг ҳозирги тенденциялари ва ўзига хос хусусиятлари асосларидан келиб чиқиб, уни дедуктив таҳлил қилиш ва мавҳум синтези нуктаи назардан кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

М. Арсентьевнинг фикрига кўра, «мамлакатнинг молиявий хавфсизлиги – бу мамлакат иқтисодий хавфсизлигининг таркибий қисми бўлиб, молия-кредит соҳасининг мустақиллигига, самарадорлигига ва рақобатбардошлигига асосланган ва у молиянинг мувозанатлашганлигини, активларни етарли даражада ликвидлигини ва зарур бўлган пул, валюта, олтин ва бошқа захираларнинг мавжудлигини тавсифловчи мезонлар ва кўрсаткичлар тизимида ўз ифодасини топади» [8].

Аммо, А.Арсентьев активларнинг риск даражаларини ҳисобга олмаган. Ҳолбуки, молиявий хавфсизлик даражасининг ошишида активларнинг риск даражалари муҳим ўрин тутди. Бунга исбот тариқасида 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини келтириш мумкин. Ушбу инқироз айнан АҚШ банкларининг юқори рискли активлари бўлган ипотека кредитларини бериш амалиётидаги тангликдан бошланди.

М. Дмитриева мамлакат молиявий хавфсизлигини «давлатнинг амалдаги кўрсаткичлари меъёрий даражадан ошмайдиган, мамлакатнинг олиб борилаётган умумий иқтисодий сиёсатини таъминловчи молиявий тизимнинг ҳолати» [9] сифатида тавсифлайди.

М.Дмитриеванинг давлат томонидан молиявий хавфсизлик кўрсаткичларини уларнинг меъёрий даражада бўлишини таъминлаш фикри ўринли. Бироқ, давлат молиявий хавфсизликни тавсифловчи барча кўрсаткичларга меъёрий талаб белгилай олмайди. Бунинг устига, айрим талаблар директив мазмунга эга эмас, яъни тавсиявий мазмунга эга. Масалан, корпоратив ташқи қарзнинг даражаси бўйича меъёрий талаб мавжуд эмас.

С. Куряков «молиявий хавфсизлик» тушунчасини замонавий босқичда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва кенгайтиришда молиявий оқимларни тартибга солишни такомиллаштириш, ташқи хавфларни ва капитални четга оқиб кетишини бартараф қилиш ҳисобига мамлакат миллий

суверенитетини ва молиявий тизимини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга қаратилган миллий манфаатларни кўзлаган ҳолда давлат мустақил молиявий сиёсатини олиб боришни таъкидлайди [10].

«Молиявий хавфсизлик» тушунчасига академик В.И. Сенчагов «молиявий хавфсизлик – бу иқтисодиётда молия тизими ва молиявий муносабатлар ва жараёнлар ривожланишини шундай таъминлаш ҳисобланадики, бунда мамлакат ривожланишининг ижтимоий-иқтисодий ва молиявий барқарорлиги, молия тизимининг яхлитлиги ва бирлигини асраш (жумладан, пул, бюджет, кредит, солиқ ва валюта тизимлари), молия соҳасида ички ва ташқи таҳдидларни муваффақиятли бартараф қилиш учун зарур молиявий шароитлар яратилади» [4] деб аниқроқ таъриф берган.

Келтирилган таърифларни таҳлил қилиб, фикримизча, мамлакат молиявий хавфсизлиги миллий иқтисодиётни жадал ривожланиши учун маблағ ва шароит билан таъминланганлик ҳолати ҳамда давлат, жамият, шахсни баркамол ривожланиши учун манба бўлиб хизмат қилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, молиявий хавфсизликни давлат ва унинг турли ҳукумат идораларини бошқаришнинг самарадорлик даражаси, ҳудуднинг молиявий тизимининг ишончли фаолият юритишида молиявий инкироз содир бўлишини бартараф қилиш; дефолт, молиявий оқимларни, иқтисодий фаолият билан шуғулланувчиларни молиявий ресурслар билан таъминланишини, пул муомаласи барқарорлиги бузилишларини олдини олишда мукамал шароит яратиш, деб аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Назарий жиҳатлар билан бир қаторда иқтисодчи олимлар, молиявий хавфсизлик муаммосини давлатнинг молиявий сиёсатини олиб боришда замонавий механизм ва инструментларни яратиш орқали таъминлаш лозимлигига эътибор қаратадилар [5].

Кўриниб турибдики, «молиявий хавфсизлик» – мураккаб тоифа бўлиб, унинг таркибий қисмлари махсус тадқиқот предмети бўлиши мумкин. Бу қаторга энг аввало, бюджет-солиқ ва банк тизими, миллий иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлари, бюджетдан ташқари фондлар хавфсизлигини киритиш мумкин.

Шундай қилиб, фикримизча, мамлакат молиявий хавфсизлиги –

- молиявий муносабатлар субъектларининг барча даражадаги молиявий манфаатларини ҳимоя қилиш;

- миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқларини молиявий ресурсларга бўлган талабларини қондириш ва тегишли мажбуриятларни амалга ошириш учун ликвидли активлар билан таъминлаш;

- молия тизимининг барқарорлиги ва салбий таъсирларга чидамлик ҳолати;

- миллий иқтисодий тизим фаолиятини самарали ташкил этиш ва доимий иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича молиявий имкониятлар мажмуидир.

Демак, молиявий хавфсизлик ўз ичига, макродаражада мамлакатнинг молиявий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳамда микродаражада хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий фаолиятини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар, усул ва маблағлар тўпламини олади.

Макродаражада молиявий хавфсизликни, тинчлик ва фавқулодда вазиятлар шароитида давлатнинг ички ва ташқи салбий молиявий таъсирлар ҳамда давлатнинг иқтисодий ва ҳарбий хавфсизлик даражасини етарли миқдорда қўллаб-қувватлаш учун мамлакатнинг иқтисодий талабларини замонавий ва мукамал молиявий таъминлаш қобилияти сифатида кўриш мумкин.

Шу билан бирга, молиявий хавфсизлик, мамлакат ва унинг алоҳида олинган фуқароларини миллий ғоя ва миллий манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган давлатнинг мустақил молиявий сиёсатини олиб бориш учун асос бўлиб ҳисобланади. Молиявий хавфсизликни таъминлаш – давлатнинг молия соҳаси барқарорлигига таҳдид солувчи рискларни, миллий қадрият ва манфаатларни ҳимоя қилишни кўзда тутган ҳолда, бошқариш фаолиятидир. Замонавий шароитда, молиявий хавфсизлик муаммосини таҳлил қилишда, молиявий соҳада миллий манфаатлар тушунчаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мамлакатнинг молия-кредит тизимини муваффақиятли олиб боришда қонунчилик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
- давлат молияси назоратини самарали тизимини яратиш;
- давлат харажатлари ва бюджет ресурсларини мутаносиблигини таъминлаш;
- мақсадли ижтимоий-иқтисодий дастурларни молиялаштиришни оптималлаштириш;
- илмий ва юқори технологик соҳаларни мақсадли инвестициялаш;
- бозорда эркин рақобатни таъминлаш учун етарли шароит яратиш;
- миллий иқтисодиётга жаҳон инқирозлари таъсири даражасини пасайтириш;
- инфляция даражасини пасайтириш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;
- капитални четга ноқонуний олиб чиқишига қарши чоралар кўриш;
- иқтисодиётнинг реал секторига узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилиш ва бошқалар.

Тадқиқот методологияси

Мақолада илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий фикрлаш, статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларидадан фойдаланилди. Шунингдек, иқтисодчи олимларнинг мамлакат молиявий хавфсизлигини таъминлашга қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

Халқаро валюта фонди (IMF), Жаҳон банки (The World Bank) ва Европа Иттифоқининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида тавсия этилган мамлакат молиявий хавфсизлигини баҳолаш индикаторларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Фикримизча, мамлакатнинг молиявий хавфсизлиги қуйидаги кўрсаткичлар орқали баҳоланиши лозим (1-жадвал).

1-жадвалга асосан, Ўзбекистон Республикасининг молиявий хавфсизлиги кўрсаткичларини таҳлил қиламиз.

1-жадвал

Мамлакат молиявий хавфсизлиги кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Меъёрий даража
1	Давлат бюджети дефицити, ЯИМга нисбатан %	3
2	Инфляция даражаси, %	10
3	Давлат қарзи, ЯИМга нисбатан %	60
4	Ташқи қарз, ЯИМга нисбатан %	30
5	Ички қарз, ЯИМга нисбатан %	30
6	Олтин-валюта захирасининг етарлилиги, 1 йиллик импортга нисбатан %	50
7	Мамлакат пул базасининг олтин валюта захираси билан таъминланганлик даражаси, %	70
8	Монетизация даражаси, %	40
9	Банклар кредит қуйилмаларининг даражаси, ЯИМга нисбатан %	60
10	Банклар кредит қуйилмаларининг ўсиш суръати, %	30
11	Аҳоли ички истеъмолида импортнинг улуши, %	30
12	Аҳолининг реал даромадларининг йиллик ўсиш суръати, %	5-7

Манба: жадвал муаллиф изланишлари асосида тузилган.

1. Бюджет дефицити ва инфляция даражаси. Халқаро амалиётда давлат бюджети дефицити даражаси кўрсаткич бўйича Маастрихт шартномасида кўзда тутилган меъёрий даража ЯИМга нисбатан 3 % дан ошмаслиги лозим [11].

Мамлакатимизда 2005 йилдан буён давлат бюджети профицит билан бажарилмоқда. Аммо, 2000-2004 йилларда дефицит билан бажарилган бўлсада, 3% дан ошмаган.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети дефицитининг ЯИМга нисбатан даражаси ва инфляциянинг йиллик даражаси, %

Кўрсаткичлар	Йиллар						
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Давлат бюджети дефицити (-), профицити (+)	0,4	0,4	0,3	0,2	0,1	0,1	0,1
Инфляциянинг йиллик суръати	7,0	6,8	6,8	6,1	5,6	5,7	14,4

Манба: Жадвал муаллиф томонидан www.cbi.uz сайти маълумотлари асосида тузилган.

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2011-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети профицит билан бажарилган. Бу эса, мамлакат молиявий хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

2-жадвал маълумотларига кўра, 2011-2016 йилларда республикаимизда инфляциянинг паст ва барқарор даражасини таъминлашга муваффақ бўлинган. Аммо, 2017 йилда инфляция даражаси олдинги йилларга нисбатан кескин ошган. Бу эса, мамлакат молиявий хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Халқаро валюта фонди экспертларининг тавсиясига кўра, инфляциянинг йиллик даражаси 3 фоиздан ошмаса, бу мўътадил инфляция ҳисобланади. Миллий валютанинг йиллик қадрсизланиш суръатини 10 фоизга етиши ва ундан юқори бўлиши молиявий инқироз белгиси ҳисобланади [12].

2. Давлат қарзи (ташқи ва ички қарз). Давлат қарзи кўрсаткичи бўйича Маастрихт шартномасида кўзда тутилган меъёрий даража ялпи ички маҳсулотга нисбатан 60 фоиздан ошмаслиги лозим [11]. Ташқи ва ички қарз кўрсаткичлари эса, ЯИМга нисбатан 30 фоиздан ошмаслиги керак.

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ЯИМга нисбатан 14,1 фоизни ташкил қилди [20].

Ўзбекистонда давлатнинг ички қарзи ЯИМга нисбатан 1% атрофида.

3. Олтин валюта захирасининг етарлилиги даражаси. Мамлакат олтин валюта захиралари бир йиллик импортнинг 50 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикаси олтин валюта захираларининг бир йиллик товарлар импортига нисбатан даражаси 24,8 мартани ташкил этди. Бу эса, мамлакат молиявий хавфсизлигини таъминлаш жиҳатидан ижобий ҳолат ҳисобланади.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг олтин-валюта захиралари, млн. АҚШ доллари

Кўрсаткичлар	01.01.2017	01.01.2018	01.02.2018	01.03.2018	01.04.2018
1. Ялпи олтин-валюта захиралари	26 428.8	28 076.9	28 774.6	28 336.7	28 494.0
шу жумладан:					
- хорижий валютадаги захиралар	14 172.3	14 042.8	14 775.9	14 715.4	14 517.2
- монетар олтин	12 256.6	14 034.1	13 998.6	13 621.3	13 976.8
2. Соф олтин-валюта захиралари	25 188.3	26 567.5	27 250.0	26 935.1	27 086.7

Манба: *cbi.uz*. – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари.

3-жадвал маълумотлари кўрсатадики, 2017 йилда Ўзбекистон Республикасининг расмий олтин-валюта захиралари 2016 йилга нисбатан сезиларли даражада (6,2%) ошган. Ушбу ошиш монетар олтиннинг ошиши ҳисобига юз берган. Мазкур даврда монетар олтиннинг ошиш суръати 14,5 фоизни ташкил этган.

4. Мамлакат пул базасининг олтин валюта захираси билан таъминланганлик даражаси. Мамлакат олтин валюта захираси ҳажми пул базасининг 70 % идан кам бўлмаслиги лозим.


2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикамизда пул базасининг олтин-валюта захиралари ҳажмига нисбатан даражаси 5,8 мартани ташкил этди.

5. Монетизация даражаси. Халқаро валюта фонди экспертларининг тавсиясига кўра, ушбу кўрсаткич камида 40% бўлиши керак. Акс ҳолда, бу мамлакат иқтисодиётида тўловсизлик муаммосини ҳал қилиб бўлмайди.

Маълумки, кенг маънодаги пул массаси (M2) ўз ичига муомаладаги нақд пулларни, талаб қилиб олгунча, жамғарма ва муддатли депозитларни, тижорат банклари томонидан чиқарилган миллий валютадаги қимматли қоғозларни (акциялардан ташқари) ҳамда хорижий валютадаги депозитларни олади.

2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда пул массаси (M2) 73 223 млрд.сўмни ташкил қилди, яъни монетизация даражаси атиги 28,8 фоизга етди (1-расм).

2013-2017 йилларда республикада монетизация даражасининг ўсиш тенденцияси кузатилган (1-расм). Аммо, монетизация кўрсаткичининг ушбу даражаси молиявий хавфсизликни таъминлаш нуқтаи назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.



1-расм. Ўзбекистон Республикасида монетизация даражаси, фоизда

Манба: Расм муаллиф томонидан www.cbi.uz сайти маълумотлари асосида тузилди.

6. Банklar кредит қуйилмаларининг даражаси ва ўсиш суръати кўрсаткичи. Халқаро валюта фондининг экспертлари томонидан ўтказилган тадқиқот натижалари кўрсатдики, мамлакат тижорат банклари томонидан берилган жами кредитлар ялпи ички маҳсулотнинг 60 фоизига етганда, кредит қуйилмаларининг йиллик ўсиш суръати 30 фоиздан ошса, у ҳолда, мамлакатда банк инқирози юз беради.

Ўзбекистон Республикасида 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, тижорат банклари кредит қуйилмаларининг ЯИМга нисбатан даражаси 43,5 фоизни ташкил этди [14].

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий-назарий хулосаларни шакллантирдик:

1. Ж.Стиглицнинг молиявий инновацияларнинг ноаниқлик даражасини таъминлаш хусусидаги хулосаси Ўзбекистон учун амалий аҳамият касб этади. Чунки, республикада иқтисодиёти инновацион ривожланиш йўлига ўтиш арафасида инновацион ишланмалар, шу жумладан, молиявий инновацияларни жорий этиш жараёнидаги ноаниқликларни кучайишига олиб келади. Шу

сабабли, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожлантириш вазирлиги зиммасига молиявий инновацияларни жорий этишдаги ноаниқликларни камайтириш вазифаси юкланиши лозим.

2. Ж.Тиролнинг депозитларни суғурта қилиш хусусидаги хулосаси ҳам республикамиз иқтисодиёти учун амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, мамлакатимизда ҳозирга қадар юридик шахсларнинг депозитларини давлат томонидан суғурта қилиш тизими жорий этилмаган. Бу эса, юридик шахсларнинг депозитлари билан боғлиқ бўлган молиявий хавфсизликнинг кучайишига хизмат қилади.

3. Мамлакат молиявий хавфсизлиги – бу

- молиявий муносабатлар субъектларининг барча даражадаги молиявий манфаатларини ҳимоя қилиш;

- миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқларини молиявий ресурсларга бўлган талабларини қондириш ва тегишли мажбуриятларни амалга ошириш учун ликвидли активлар билан таъминлаш;

- молия тизимининг барқарорлиги ва салбий таъсирларга чидамлилик ҳолати;

- миллий иқтисодий тизим фаолиятини самарали ташкил этиш ва домий иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича молиявий имкониятлар мажмуидир.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг молиявий хавфсизлик даражасини янада ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Инфляцион таргетлаш режимини қўллаш шароитида, пул массасининг мультипликатив кенгайишини таъминлаш ва шунинг асосида монетизация даражасини ошириш мақсадида, биринчидан, Марказий банкнинг тўғри РЕПО ва тескари РЕПО операцияларини амалиётга жорий этиш ва 1 йилгача муддатга жалб қилинган депозитларга нисбатан мажбурий захира ставкасини пасайтириш зарур.

2018 йилнинг 1 июнидан бошлаб, юридик шахсларнинг миллий валютадаги депозитларига нисбатан Марказий банкнинг мажбурий захира ставкаси 14% қилиб белгиланди [16]. Бу эса, нисбатан юқори ставкадир. Масалан, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Россия Марказий банкнинг тижорат банкларининг юридик шахсларнинг миллий валютадаги депозитларига нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкаси мазкур санага кўра, 5 фоизни ташкил этди [17].

Ҳозирги даврда Марказий банкнинг РЕПО операциялари мавжуд эмас. Бунинг устига, Марказий банкнинг мажбурий захира ставкалари юқори бўлиб, улар пул массасининг мультипликатив кенгайишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

2. Инфляция даражасини пасайтириш мақсадида, биринчидан, табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматлари баҳоларининг йиллик ўсиш суръатларига нисбатан чегаравий лимитлар белгилаш керак; иккинчидан, миллий валютанинг номинал алмашув курси барқарорлигини таъминлаш йўли билан импортнинг қимматлашишига йўл қўймаслик лозим.

2017 йилда республикамізда истеъмол баҳолари индексининг йиллик суръати 14,4 фоизни ташкил қилди. Аммо, табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматлари баҳоларининг ўсиш суръати жуда юқори бўлди. Масалан, 2017 йилда бензиннинг баҳоси 57,7 фоизга, керосиннинг баҳоси 63,2 фоизга ошди [18]. Бу эса, табиий монополиялар хизматлари ва баҳоларининг ўсиш суръатларини чеклаш заруриятини юзага келтиради.

Миллий валютанинг қадрсизланиш суръатининг узок йиллар мобайнида юқори бўлганлиги импортнинг қимматлашишига сабаб бўлди. Миллий валюта – сўм дастлаб муомалага киритилган пайтдаги биринчи валюта савдосида (1994 йил июль) 1 АҚШ доллари 7 сўм эди, 2018 йилга келиб эса, 1 АҚШ доллари 8000 сўмга тенг бўлди [19].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида илова//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 33-б.
2. Joseph E. Stiglitz. Principles for a New Financial Architecture. The Commission of Experts of the President of the UN General Assembly on Reforms of the International Monetary and Financial System. – 2009. <http://www.un.org/ga/president/63/commission/newfinancialarchitecture.pdf>
3. Julien Bengui, Javier Bianchi, Louphou Coulibaly. Financial Safety Nets. Staff Report 535. August 2016. – p.3. <https://www.minneapolisfed.org/research/sr/sr535.pdf>
4. Экономическая безопасность России. Учебник / под ред. В.К. Сенчагова. 5-е изд. - М.: БИНОМ, 2015. –с.269.
5. Чиханчин Ю.А. Система финансовой безопасности Российской Федерации: концептуальные подходы и решения: науч. доклад / Под. ред. Т.Я. Хабриевой, Ю.А. Чиханчина. -М.: Наука, 2015. -с. 7.
6. Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. –М.:2006. –с.422.
7. Бурцев В.В. Факторы финансовой безопасности России // Менеджмент в России и за рубежом. 2001. № 1.
8. Арсентьев М. Финансовая безопасность России // www.liber.rsuh.ru/CoNf
9. Дмитриева М. // www.System_securitye/dmitrieva.htm.
10. Куряков С.В. Проектирование системы управления в таможене по обеспечению финансовой безопасности: Автореф.дис. канд. экон. наук. - Саратов, 2007. -с.5.
11. Treaty on European Union. – ECSC-EEC-EAES, Brussels – Luxembourg, 1992.
12. The Publications. www.imf.org.
13. www.cbu.uz. – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари.

14. www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти маълумотлари.
15. www.stat.uz ва www.cbu.uz сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланди.
16. Мажбурий захира талабномалари. www.cbu.uz.
17. Основные направления единой государственной денежно-кредитной политики на 2018 год и период 2019-2020 годов (С. 133). Центральный банк России. www.cbr.ru.
18. Социально – экономическое положение Республики Узбекистан за 2017 год. (С. 23; 33). www.stat.uz.
19. Валюта курслари. www.cbu.uz.
20. <https://tradingeconomics.com/uzbekistan/indicators>